O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... INV.№

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2003-yil, 28 март • № 13 (3696)

## UCH DENGIZ OVOZI
## УЧ ДЕНГИЗ ОВОЗИ

ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ



Ўзбекистон Давлат консерваториясининг мусиқа саройи жаҳон композиторларининг энг гўзал ва машҳур асарлари янграйдиган муҳташам кошонага айлангани мусиқа ихлосмандлари қалбини чинакам фахр-ифтихорга тўлдирмоқда. Душанба куни мусиқа кошонамиз яна пойтахт маданий жамоатчилиги намояндалари, ижодкорлар, чет эллик дипломатлар, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамда Туркия Республикасининг элчихонаси томонидан ташкил этилган "TEKFEN Қора денгиз филармония оркестри"нинг концерти юртимиз бўйлаб кезаётган Наврўз шодиёналарига уланиб кетди.

Ўз сафига йигирмадан ортиқ мамлакатнинг истеъдодли созандаларини бирлаштирган бу байналмилал оркестр концертлари эндиликда бутун жаҳонда машҳур. Жамоа асли ўн йил муқаддам Қора денгиз камер оркестри сифатида ўз фаолиятини бошлаган эди. Қора денгиз Ҳамкорлик ташкилоти аъзоси бўлган мамлакатлар созандаларидан ташкил топган оркестр йиллар мобайнида ўз сафини Каспий ва Шарқий Ўрта ер денгизи минтақаси мамлакатлари созандалари билан кенгайтириб, йирик жамоага айланди. Шунинг учун ҳам оркестр таркибида уд, бурғу, най, дўмбра, бандура, кемонча, чанг каби миллий созлар муҳим ўрин тутади. Айни пайтда унинг дастури ҳам ўзига хос бўлиб, оркестр концертларида Каспий, Ўрта ер ва Қора денгизлари минтақаси, Ўрта Осиё ва Шарқ халқларининг мумтоз наволари янграйди. Концертларда оркестрда иштирок этаётган созандалар ватани байроқлари осиб қуйилиши ҳам катта рамзий маънога эга бўлиб, бу оркестрнинг халқлар ўртасидаги дўстбиродарликни улуғлаш, тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган бетакрор ҳиссасидан далолатдир.

Оркестр концерти бошланиши авалида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири ўринбосари,



Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокиров, Туркия Республикасининг элчихонаси вакили Али Элчин ҳамда оркестрнинг бош ҳомийси бўлган "TEKFEN" компанияси вакиллари машҳур оркестр ижрочилари ва меҳмонларни самимий қутладилар.

Концертда П. Чайковский, А. Вивалди, Невит Кодалли, Сулаймон Юдаков, Илёс Мирзаев ва бошқа композиторларнинг машҳур мусиқа асарлари янгради. Томошабинлар оркестрнинг бош дирижёри ва мусиқа раҳбари, профессор Саим Акчил, уста найчи Эржан Ирмак, қозоғистонлик машҳур скрипкачи Айман Мусахўжаева, шунингдек ҳамюртимиз — Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театри солисти Нормўмин Султоновни самимий олқишладилар. Мусиқа ихлосмандлари орасида бу санъаткорларнинг номлари айниқса машҳур. Масалан, профессор Саим Акчил шу чоққа қадар ўзининг тўртта компакт дискини чиқарган. АҚШ, Европа мамлакатлари ва Ўрта Осиё республикаларида бўлган кўплаб концертларда оркестрга дирижёрлик қилган. Найчи Эржан Ирмак тўрт йил аввал оранжировкачи бастакор Илёс Мирзаев билан ҳамкорликда "Тасаввуф симфонияси"ни яратган.

Ўзбекистон Давлат консерваториясининг муҳташам мусиқа кошонасида уч денгиз овози сифатида янграган ўлмас наволар мумтоз мусиқа оҳанглари дилларни ром этибгина қолмай, элларни дўстлик ва ҳамжиҳатликка чорловчи, тинчликни қадрловчи буюк восита эканлигини ҳам яна бир бор намойиш этди.

Шуҳрат АББОСОВ, Ўзбекистон халқ артисти

## НИЯТ ХАЙРЛИ — ОҚИБАТ ХАЙРЛИ

Тангрининг қудратини қаранг: йилни тўртга бўлиб, тўрт ажиб фасл яратди. Буларнинг ичида баҳорнинг бекиёс ўрни бор. Шу боис шоирларнинг энг гўзал шеърлари баҳор ҳақида бўлади ва бу шеърлар ҳофизлар бўғзига сиғмайдиган қўшиққа айланиб кетади. Бир мисол: Икромжон куйлаяпти: "Сен баҳорни соғинмадингму?.."

Дарҳақиқат, баҳорни соғинмасдан яшаб бўлмайди. Зеро, эзгу ниятларнинг рўёби баҳордан бошланади. Қолаверса, ўзбекмиз-да, тўй қилсак ҳам, уй солсак ҳам ана шу баҳордан тараддудни бошлаймиз. Зотан, баҳордан қилинган хайрли ниятнинг оқибати ҳам хайрли бўлади.

Ижод масаласига келсак, менимча, ҳар бир инсон қайси касб эгаси бўлмасин, у — ижодкор, яъни, ўз соҳасининг яратувчиси, билимдони. Улуғ бир алломанинг таъбири билан айтганда "Бу дунёда ҳамма актёр, фақат ҳар ким ўз ролини ўйнайди". Бинобарин, ҳар ким янгиликка интилиши, мукаммалликка — комилликка эришиш йўлида куч-ғайрат кўрсатиши лозим. Бу узлуксиз жараён. Афсуски, кўпинча ана шу узлуксизликка путур етиб қолмоқда. Одамлар "Қилган ишларимнинг ўзи ҳам бўлаверади", деб, бор имкониятларидан унумли фойдаланишмаяпти. Очиғи, айрим ёшлар ўз билимини ошириш устида зарур даражада изланмаяптилар.

Шу жиҳатдан, ўзимиз ҳам (киночиларни назарда тутяпман) баъзан ишларимизнинг сифатсизлигини, ҳали хомлигини сезиб турсак-да, кўзимизни юмиб, ўтказиб юборишга ҳаракат қиламиз.



Мени ташвишга солаётган яна бир ҳолат шуки, ёшларнинг қўлида китоб кўрмаяпман. Назаримда, китоб дўконлари ҳам майдалашиб қолгандек, мумтоз асарлар, пишиқ-пухта ёзилган янги романлар пештахталарда оз. Уларнинг ўрнини олди-қочди, маиший мавзудаги асарлар эгаллаб ётибди. Кўпчилигимиз оддий тирикчилик ташвишлари билан ўралашиб қолаётгандекмиз гўё. Мен ёшларимизнинг ана шундай иллатларга кўникиб қолишлари мумкинлигидан хавотирдаман. Ҳар бир ижодкор амалий иш билан кимлигини исботлаши лозим. Яратган филмларимизга чет элларда қизиқиш уйғотишимиз, уларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг ечими давримизнинг ажойиб инсонлари қиёфасини ярата олишимизда, деб ўйлайман.

Бугун, Наврўзи олам кунлари бирбиримизга ана шундай эзгу ниятлар тилайман. Ўзимизга, ижодимизга ишончимиз ҳамиша зиёда бўлсин.

### ҲАММАСИ МАТАЛДАН БОШЛАНГАН

*Дастлаб қизиқиб ўқиган "жиддий" китобларимдан бири Марк Твен қаламига мансуб "Том Сойернинг бошдан кечирганлари" асари бўлган. Қайта-қайта мутолаа қилганман. Кейинчалик устозимиз Озод Шарафиддиновнинг "Китобларим ҳақида ҳикоялар" деган эсдаликларини ўқиб таажжубландим: у кишининг ҳам болаликда меҳр қўйган илк асари ўша "Том Сойер" экан.*

3-бетда

### ОЛМОС
### СИЁҲДОН

Ўша қўқон қоғозини аямнинг дадалари Мирзо Хайруллохон аълам (бир муддат мингбоши, Қўқон хонлигининг қозиси бўлган эканлар) кўпгина нодир қўлёзма китоблар билан бирга дадамнинг янги куёвлик вақтларида совға қилганларини аям айтиб бергандилар.

4-бетда

**Сўнгги парвозидан бир ой илгари адиб бир мўъжиза билан ўлимдан халос бўлганди. Унинг жисмоний аҳволи жуда ҳам яхши эмас, чап қўли эса ярмигача фалаж бўлиб қолганди. Нечун 43 яшар Сент-Экзюпери ёши бўйича истеъфога чиқмай, ҳарбий парвозларига барҳам бермаганини кўпчилик тушунмасди.**

5-бетда

### ЭКЗЮПЕРИ ҲАЛОКАТИ

### ЎЗИГА ЎХШАМАГАН ТАҚРИЗ

6-бетда

Олим ҳамхонамнинг ҳисоби бўйича, сиз, лофи билан айтганда, 2-3 метрга "учгансиз". Арча шохига илиниб пастга тушолмай турганингизни кўрган Бўрибосар "Ну, шаҳарлик" дегану Турсунбой оқсоқолнинг олдига чопган... ҳай, нима бўлганда ҳам яна бир бор омон қолганингизга шукур. Аслида, икки-уч метр ҳам — масофа. Айтадилар-ку, отдан йиқилсанг йиқил-у, эшакдан йиқилма, деб.

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолларининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уюшма раиси Абдулла Орипов мажлисни очиб, мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида рўй бераётган муҳим янгиликлар ҳақида тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Миллий Армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" рисоласида қўйилган вазифаларни бажаришда, хусусан, ҳарбий қисмларда, маҳалла ва аҳоли турар-жойларида ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ишларига бағишланган бадиий асарлар яратишда ёзувчиларнинг фаол иштирок этиши зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокама қилинган масалалар ҳамда "Обод маҳалла йили" дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда ижодкорларнинг роли хусусидаги фикрларини баён этдилар, таклифлари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, болалар спорти, ҳарбий-ватанпарварлик мавзуларида бадиий асарлар яратиш бўйича ижодкорлар олдида турган вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Сирожиддин Саидов Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Минҳожиддин Ҳожиматов раис ўринбосари этиб тайинланди, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррирлигига Мурод Абдуллаев тасдиқланди.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмуҳсин, таниқли адиб Эркин Самандар, филология фанлари доктори Абдуғафур Расуловлар сўзга чиқишиб, кўрилган масалалар ҳар бир ижодкор ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар, янги лавозимларга тайинланган ҳамкасбларга муваффақият тиладилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев иштирок этди.

## ШАРҚ ВА ҒАРБНИ ТУТАШТИРУВЧИ КЎПРИК

***Самарқанд узра тўртинчи бор она Шарқ тароналари янграйдиган кунлар тобора яқинлашмоқда. Корея мусиқа маданияти Академияси директори, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ҳайъати раиси, профессор Хан Мун Хи билан Бадиий академиядаги суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.***

***Жаноб Хан ўзбек мумтоз санъатининг Кореядаги энг фаол тарғиботчиларидан бири. Олим ўн йил давомида мунтазам равишда юртимизда бўлиб, "Шарқ тароналари" ҳайъати ишида қатнашмоқда. У ўтган фестивалда ва бу йилги мусиқа анжуманида ҳам ҳайъат раиси сифатида иштирок этаётганидан мамнун. Профессор Самарқанд анжуманининг довруғи йил сайин ортаётгани ва бу йилгисида меҳмонларнинг кўпроқ келиши кўзда тутилаётганини таъкидлади. Жаноб Хан биринчилардан бўлиб ўзбек халқининг мусиқа маданияти корейсларга нақадар яқинлигини аниқлаган. Шунингдек, икки халқ тилида кўплаб лингвистик ўхшашликлар бор, айниқса, миллий-маданий меросга, фолклорга эҳтиёткорона муносабат ўзбек ва корейс халқларига хос фазилатдир, дейди у.***



*Шарқ ва Ғарб мусиқасидаги ўхшашлик ва муштарак жиҳатлар, "Шарқ тароналари"нинг уларга таъсири ҳақидаги саволга профессор шундай жавоб берди:*

— Ғарбда барча соҳаларда, жумладан, мусиқада ҳам вазминлик ҳукмрон, Шарқда эса эҳтирос, юрак тафти яққол сезилиб туради. Агар XXI асрда ана шу вазминлик билан эҳтиросни уйғунлаштирол-сак, жуда зўр санъат юзага келади. "Шарқ тароналари" фестивалида мана шу ғояни амалда синаб кўриш ниятим бор.

Биласизми, Ғарбда маданий тадбирлар, воқеалардан асосий мақсад моддий манфаатдорликдир. Шарқда, жумладан, Ўзбекистонда, айтайлик, "Шарқ тароналари"-ни ўтказишдан асосий мақсад Осиё овозини дунёга танитиш, ўзаро ҳамкорликзини дунёга танитиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш. Бу тадбир инсон маънавиятини бойитади.

Ғарбда бу каби тадбирлар атрофида шу қадар шов-шув кўтариладики, натижада қанчадан-қанча ташкилотлар катта пул ишлаб оладилар. Айтайлик, Кореяда шундай тадбир ўтказилса, фақат мусиқага қизиқувчилар эмас, балки файласуфлар, адабиётшунослар, санъатшунослар ҳам қатнашиб, мазкур анжуман кишиларга нима беришини ўз соҳалари доирасида ўрганадилар.

Мен миллий санъат марказида директор бўлиб ишлаганимда, тадбир ўтказганмиз ва Ғарбдан келганлар корейс мусиқасига беписандлик билан қарашган. Ғарб бу масалада анча юксак туради, дейишган. Лекин биз уларга Ғарб мусиқаси темпи билан корейс мусиқасининг темпи орасидаги фарқни мисоллар билан тушунтирганимизда, ҳайрон қолишди. Чунки Ғарб мусиқа маданияти нисбатан янги, мусиқа темпи ҳам жуда тез. Кореянинг мусиқий маданияти эса узоқ ўтмишга эга бўлиб, темпи ниҳоятда сокин. Айнан шу ҳолат одамнинг нафас олиши, ҳолати билан боғлиқлигини тушунтирганимизда, бунга қизиқиб қолишди. Демак, биз Шарқ мусиқасининг ўзига хослигини тушунтиришимиз, ўргатишимиз ҳам лозим.

Бироқ бу фикрлардан Ғарб маданияти қолоқ, деган тушунча келиб чиқмаслиги керак. Ҳар бир халқнинг ўзига хос маданияти бор. Ана шу борини сақлаб қолиш, тарғиб қилиш лозим.

Бунда "Шарқ тароналари" сингари тадбирларнинг ўрни беқиёсдир. Бу анжуман доирасида бўладиган Шарқ ва ўзбек мусиқасига доир мулоқотлар, тажриба алмашишлар, ўзаро ҳамкорликлар алоҳида аҳамият касб этаётир.

*— Ҳайъат раиси сифатида ижроларни баҳолашда қандай талаблардан келиб чиқишни муҳим, деб биласиз?*

— Ҳар бир халқнинг маданияти, санъати ўз қадриятларига эга. Шу маънода қўшиқларни тўғри баҳолаш жуда қийин кечади. Албатта, мусиқа тасвирий санъатдан фарқ қилади. Суратни кўрамиз, мусиқа эса тингланади, яъни у абстракт ҳодиса. Шунинг учун мусиқага баҳо берганда, уни тинглаган инсонда ҳосил бўлган руҳият, ҳис-туйғулардан келиб чиқиш мумкин. Масалан: пианинода битта куйни бир неча ижрочи турлича чалади. Хўш, уларнинг қайси бири инсон руҳиятига кўпроқ таъсир қилди. Ё бўлмаса, қайси ижрочи мусиқага ўзини бахшида этиб чалди. Чалганда тактда, техникада хато қилиш мумкин, лекин тинглаганда, барибир, ижрочининг мусиқага муносабати, юраги сезилиб туради. Натижа кўпроқ шу ҳолатга боғлиқ.

Ҳар сафар баҳолаш жараёнида турли мезонларга суяниш мумкин. Бу гал ҳайъат аъзолари билан келишиб, ижро техникаси, мавзуни қандай ифодалаш ва маданий этикет масалаларига эътиборни кучайтирамиз. Баҳо, албатта, кўпчиликнинг қарори бўлади.

*Профессор "Шарқ тароналари" фестивалининг ўтказилиши ва аҳамиятига доир фикрлари билан ҳам ўртоқлашди.*

— "Шарқ тароналари", аввало, яхши ниятлар анжуманидир. "Буюк Ипак йўли"нинг тикланиши ғоялари ҳам бу фестивалда ўз аксини топган. Ғарб ва Шарқ маданиятларининг уйғунлашувида "Буюк Ипак йўли"нинг аҳамияти катта. "Шарқ тароналари" ниҳоятда катта тадбир ва унинг жаҳон маданиятида алоҳида ўрни бор. Бу фестивалда қатнашувчи давлатлар сафи кенгайиб бораверади. Шунинг учун тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантириш зарур. Ҳатто жаҳоннинг энг олис нуқталари ҳам билсин шундай ажойиб, самимий фестивал борлигини. Иложи бўлса, ҳар бир қатнашчи ва меҳмоннинг қўлида фестивал ҳақидаги буклет бўлиши керак. Унда иштирокчиларнинг юрти ва номлари, ҳайъат аъзолари ҳамда олимлар ва уларнинг қилган ишлари ҳақида маълумотлар бўлиши зарур. Айниқса, ғолиблар ҳақида алоҳида материаллар тайёрлаш, аудио ва видео кассеталарга ижроларини ёзиб, тарғиб қилиш керак.

*Жаноб Хан Мун Хи шахсий режалари ҳақида ҳам анча батафсил гапирди.*

— Мен Кореяда Янги Буюк Ипак йўли марказини тузганман. Шарқ санъатшуносларидан иборат гуруҳлар тузиб, Буюк Ипак йўли орқали уларни сафар қилдириб, халқаро миқёсда катта тадбир ўтказишни мўлжаллаганмиз.

Яна бир ниятим бор. Мен Бухоро, Навоий вилоятларидаги сингари қумликларда — саҳрода ўтадиган фестивал ҳақида ўйлаб юрибман. Нега қумда дерсиз? Сабаби, қумликлар остида бутун бир маданиятлар, тарихлар кўмилиб қолган. Улар қум қаърида яшириниб ётибди. Мақсад — илк маданият пайдо бўлган жойларга, аслиятга қайтиш.

Ғарбда маданиятлар аллақачон умумлашиб бўлди, лекин Шарқ ҳали ўзлигини сақлашга ҳаракат қиляпти. Ана шу ўзликни асраш, авайлаш, уни тарғиб қилиш бизнинг бурчимиз.

Кишилик тараққиёти бугун юқори босқичга чиқди. Лекин ҳали етарли даражада англанмаган ҳақиқатлар, гўзалликлар кўп. Мусиқа инсоннинг бир-бирини тушуниш жараёнини янада фаоллаштиради. Бу борада "Шарқ тароналари" фестивалининг аҳамияти беқиёсдир. Анжуман бир-биримизни янада яхшироқ тушунишимизга, маданиятларимизнинг ўзаро яқинлашувига, аслиятга қайтишимизга катта ҳисса қўшади, деган умиддаман.

**Гулчеҳра УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

### БИЛДИРИШ

***Шу йил 4 апрел куни соат $15^{00}$ да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида шоир Эшқобил Шукурнинг "Ҳамал айвони" китобининг тақдимоти бўлади.***

***Тақдимотга ижодкорлар, барча адабиёт мухлислари таклиф этилади.***

**Ёзувчилар уюшмасининг**
**Шеърият кенгаши**

## НАВОЙИНИ ТУШУНТИРИШДАН ЧАРЧАМАНГ

Ҳазрат Навоийнинг йигирма жилдли мукаммал асарлари тўпламини, ғазаллари шарҳлаб берилган китобларни тўплайман, ўрганиб бораман. Радиодан ул зотнинг ғазаллари билан ашула айтилса, тезда ғазалнинг матнини топаман-да, ашула билан таққослайман. Баъзан луғат ёрдамида ўзимга осон туюлган ғазалнинг мағзини чақишга ҳаракат қиламан. Ҳазратнинг ижодларига бағишланган мақолаларни ҳам қолдирмай ўқишимга қарамай, барибир, асарлари мен учун оғирлик қилаяпти. Мен уларни ўрганишдан чекинмоқчи эмасман. Айтмоқчиманки, навоийшунослар матбуотда кўпроқ чиқиш қилсалар, ғазаллар шарҳини кўпроқ ёзиб турсалар, ҳазратнинг ихлосмандларига мадад бўларди.

Бир вақтлар матбуотда кимдир "Навоийни тушунтириб беринг", деб чиққан эди. Навоийшунослар унутиб қўйишди, шекилли. Аксинча, мутахассис бўлмаганлар Навоий ижодига чуқурроқ кириб бораяптилар, кутилмаган янги гапларни топиб айтаяптилар. Бу ўринда физика-математика фанлари доктори Абдулла Аъзамнинг қатор мақолаларини эслаш жоиз. Баҳром Рўзимуҳаммаднинг мақоласи ҳам Навоийни бизга анча яқинлаштирди.

Кези келганда навоийшуносларга улуғ шоирнинг ғазаллари ҳақида бир-икки савол бермоқчиман.

Тўпламлардаги асарлар Алишер Навоийнинг ўзлари ёзганларидек айнан келтирилганми? Имлолардаги фарқ ёки ўқишдаги қийинчилик туфайли у ёки бу сўз ўзгариб қолмаганми?

Бу саволни беришимга сабаб шуки, "кўрмадим" радифли ғазалдаги икки сатр менда шубҳа уйғотаяпти:

**"Кимга <u>бошимни</u> фидо қилдимки,**
**<u>бошим</u> қасдиға"**
**"Кимга <u>жонимни</u> асир эттимки,**
**<u>жоним</u> қатлиға"**

Остига чизиқ тортилган сўзлар шубҳамга сабаб. Навоий ҳазрат шундай ёзганларига ишонмаяпман, чунки бир сўз бир сатрда икки марта келиши ғалати туюлаяпти. Менга тушунтириб беринг!

Иккинчи саволим, раҳматли Иззат Султон домладан эшитганларим ҳақида. У киши матбуотда чиқиш қилиб, "Ул сарви гулрў келмади" деган ғазал "аслида дунёвий ишқ ҳақида эмас, ашула қилинганда сал бузиб айтилган", деганларини бир неча марта эшитганман. Мукаммал асарлар тўпламидан шу ғазални топиб ўқидим. Ашулада беш сатр тушириб қолдирилган экан, уларни ўзимча ўрганиб кўрдим, лекин нимаси бузиб айтилганини билолмадим. Ёки матннинг ўзи бузилганмикан?

Мукаммал асарлар тўпламини тайёрлаган, тайёрлаётган олимларнинг маҳоратига шубҳа билан қарамоқчи эмасман, шундай улкан тўпламни тайёрлаб берганлари учун миннатдорлик билдириш лозим. Лекин Навоий асарларига дунёвий сиёсат нуқтаи назаридан ёндошишлар бўлганини ҳам унутолмаймиз.

Мен, ҳозирча иккита саволни ўртага ташладим. Насиб қилса, яна бўлади. Ўйлайманки, Навоийни севган ҳар бир юртдошимизда қандайдир саволлар бор, фақат ўртага ташламай юришибди. Навоийшуносларимизга Оллоҳ куч-қувват берсин, уларни тинч қўймасликка ихлосмандларнинг кучи етади.

**Кудрат ДЎСТМУХАММАД,**
**муҳандис, педагог**

## „ЭШИТАЙ — ЛЎК"

1 АПРЕЛ — КУЛГИ КУНИ

Томда мушук ажиб бир энтикиш билан миёвлайди, мусичалар ғур-ғур қилиб, бир-бирига парвона. Баҳор келди.

Дов-дарахтлар шохларигина эмас, симёғочларнинг пўлат арқонлари ҳам шамолда ноз билан чайқалади. Қизлар ўтган кўчадан муҳаббат иси келади. Баҳор...

Шум бола ҳам Хоразм чўгирмасидек дўнгалак телпагини ташлаб, марғилон нусха дўппи кийган. Эгнида оқ яхтак, белида кўк белбоғ. Оёғида "Made in Uzbekistan" деб ёзилган хитойи шиппак. Дилида Ғафур Ғулом бобосидан қолган байту ғазал, қўлида чойнак-пиёла.

Бугун чойхона гавжум. Бир ёқда катта Худойберди (Тўхтабоев), бир ёқда кичик Худойберди (Зиётов). Дераза олдида қўшалоқ Ўткирлар. Повулғоншунос Анвар Обиджон, муҳиддиншунос Саид Анвар, чиялий дўхтир Қилич Нур. Хонага Комрон Жўра кириб келганда чойхўрлар бирдан жим бўлиб, кафтларини оғизларига босдилар. Негаки, Ш.Отабек инсофлироқ эди, айтган гапингизни айтди, деб ёзарди. Бу Комрон Жўраси айтмаган нарсангизни ҳам айтди, деб ҳангомасига қўшар экан.

Ниҳоят, ҳар галгидек, бир қучоқ ҳазил-мутойиба билан ўзимизнинг Оғамиз кириб келдилар. Комрон Жўрага қараб:

— Хомтаъма бўлмасинлар. Ўзим ёзганимни ўзим ўқиб бераман,— деб қолдилар-ку!

— Майли, — деди Комронбой, — қатиқ тўкилса, юқи қолади. Бизга бўлаверади.

Оғамизнинг чойхонамизни унутмаганлигини инобатга олиб, у кишига бенавбат навбат берилди. Кўкчойни овоз чиқармай симириб, Оға ҳангомани бошладилар.

Эшитай-лўк!...

6 →

ШУМ БОЛАНИНГ ДАСТЁРИ

ИНСОН ВА ИҚТИСОД

# ДЕҲҚОН БЎЛСАНГ — ЕРНИ ЎЙЛА!



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу ҳафта бошида эълон қилинган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармонида фермер хўжаликларини ривожлантириш мамлакат иқтисодини юксалтиришнинг, бинобарин, халқимиз фаровонлигини таъминлашнинг энг истиқболли бўғинларидан бири эканлиги алоҳида қайд этилган. Чоршанба куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти совринлари учун анъанавий "Ташаббус — 2003" кўрик-танловида мамлакат хусусий мулк эгалари орасидаги энг яхши тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар тилга олиниб, ғолибларнинг номлари эълон қилинди. Улар сафида Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида фаолият кўрсатаётган "Саидовул" фермер хўжалигининг ҳам номи бор. Мухбиримиз фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Саломовни кўрик-танловдаги муваффақияти билан қутлаб, ундан қўлга киритилган ютуқлар сири, таннархи арзон моддий неъматлар яратишга доир тажрибалари хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.**

— Биз хусусий мулк эгалари, фермерлар халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришдек энг олижаноб мақсадлар йўлида фаолият кўрсатишга сафарбар этилганмиз. Президентимиз қарорларида фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, уларнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бинобарин, фермерлик фаолиятини ривожланган мамлакатлардаги фермер хўжаликлари даражасига етказиш ва мамлакат иқтисодиётида тутган мавқеини кўтариш юзасидан энг зарур масалалар кун тартибига қўйилмоқда.

Бизнинг фермер хўжалигимиз тузилганига икки йил бўлди. Биз 200 гектар ер майдонини давлатдан узоқ муддатли ижарага олиб ишлаяпмиз. Бу ерларда биз деҳқончилик қилгунга қадар ғалладан 16, пахтадан 20, шолидан 25 центнердан ҳосил олинган бўлса, биз биринчи йилнинг ўзидаёқ ғалла ҳосилдорлигини ўртача 50, пахта ва шоли ҳосилдорлигини 40 центнерга етказдик. Ўтган йили эса ғалла ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишга муваффақ бўлдик. Шунинг натижасида дастлабки йили 40 миллион, иккинчи йилда эса 79 миллион сўм миқдорида соф фойда олдик.

Мен бу натижаларни Президентимизнинг деҳқон-фермерлар фаолиятини ҳар жиҳатдан тўкис равнақ топтириш юзасидан изчил равишда кўрсатиб келаётган ғамхўрликларининг амалий самараси деб биламан. Айни чоқда, шуни ҳам айтишим кераки, ишни бошлашдан аввал бизнес-режани пишиқ-пухта тузиб, банкдан қарийб 40 миллион сўм кредит олдик. Бу пулнинг ҳаммасига қишлоқ хўжалиги учун ниҳоятда зарур бўлган техника воситалари сотиб олинди. Ўз техникамиз бўлгани учун МТПдан ёки ширкат хўжалигидан техника олиб ишлатишга эҳтиёж қолмади. Иккинчидан, уруғлик масаласига жиддий қарадик. Яъни 2001 йилда Қирғизистондан буғдойнинг тезпишар, серҳосил, унбоп ва бизнинг шароитга яхши мослашган супер элита репродукцияли "Интенсив" нави уруғлигини олиб келиб экдик. Ундан элита репродукцияли уруғлик тайёрлаб, давлатга ҳам топширдик. Ўтган йили эса Қозоғистон ва Молдовадан тезпишар, ўрта ва кечпишар супер элита ва элита репродукцияли турли нонбоп буғдой навларини олиб келиб, тажриба тариқасида экиб ўстирмоқдамиз.

Фермер хўжалигимизда ишлаётган деҳқонларнинг иш ҳақини ширкат хўжаликларидагига нисбатан 50 фоиз юқори даражага кўтардик. Деҳқон ўз ишини белгиланган вақтда ёки ундан олдин адо этса, бу ишни яхши сифат билан бажарса, унга қўшимча тарзда пул мукофотлари ҳам жорий этдик. Бундан ташқари, деҳқон дам оладиган, тиббий хизматдан фойдаланадиган махсус жойлар ташкил қилдик. Бу иш самарасига яхши таъсир этмоқда.

Бундан буён, юқорида айтганимдек, Президентимизнинг деҳқон-фермер хўжаликлари ҳар жиҳатдан ўзини тиклаб, мамлакат белига қувват бўлиши учун доимий равишда кўрсатиб келаётган ғамхўрликлари туфайли бизнинг имкониятларимиз янада ошади.

Мана сизга бир мисол. Ўтган йилнинг 29 августида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг пахта хомашёсини йиғиб-териб олишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида 2002 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжлари учун пахта толаси сотиб олинишини амалда ишлаб чиқарилган толанинг 50 фоизи даражасида белгилаш ва бу миқдордан ошган толани шартномавий баҳоларда сотишга рухсат этиш кўзда тутилган эди. Бунга кўра, етиштирилган пахта хомашёсидан тайёрланган толанинг эллик фоизини давлатга сотамиз. Толанинг қолган эллик фоизини эса хоҳланг биржа орқали, хоҳланг воситачи ташкилотлар орқали эркин нархларда валютада сотинг.

Менинг ҳисоб-китобларимга кўра, ўтган йилнинг 15 декабридан кучга кирган бу имтиёз туфайли деҳқонларимиз ҳар гектар пахта майдонидан қарийб бир миллион сўм миқдорида қўшимча даромад олади.



Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 13 февралда қабул қилинган 76-қарори бўйича ҳам биз фермерлар учун яна бир қулайлик яратилди. Яъни бундан буён биз ҳар йили тўлайдиган ер солиқларининг 7,5 фоизи Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобига ўтказилади. Жамғармадан эса биз фермерлар имтиёзли шартларда турли кредитлар олиш имконига эга бўлдик.

Шу ўринда ҳал этиш мумкин бўлган айрим муаммоларга ҳам эътиборни жалб этмоқчиман. Масалан, ҳаммага аёнки, ёнилғи, ўғит, солиқларни тўлаш учун пуллар давлат томонидан транш шаклида келади. Бу яхши. Бироқ айрим фермер хўжаликларининг ёнилғи, ўғит, солиқ бўйича умуман қарзи бўлмаслиги мумкин. Хўш, қарзи бўлмаса, ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириб келаётган бўлса, нега унга транш учун келган пул берилмасдан қайтариб юборилиши керак. Агар ўша пуллар фермернинг ҳисобига ўтказиб берилса, у ўзининг имкониятини янада оширган бўлмасмиди? Буни ҳам ҳал этиш зарур, деб ўйлайман.

Шундай муаммолардан яна бири — бу биз етиштирган пахта хомашёсидан олинадиган шрот, шелуха, ёғ ва бошқа маҳсулотлар уларни ишлаб чиқараётган корхоналар монополиясига айланиб қолаётганидадир. Айтмоқчиманки, деҳқон ва фермерлар ўзларига тегишли бўлган бу маҳсулотларни олиш учун ёғ заводига олдиндан пул ўтказиши керак. Ўша пул эса, ҳеч кимга сир эмаски, айнан мана шу пахта тозалаш ва ёғ заводлари томонидан ўз вақтида берилмайди. Толанинг пулини кечикиб олаётган деҳқон ва фермер бериш муддатлари қатъий чекланган шрот, шелуха, ёғ ва бошқа маҳсулотларни қандай қилиб олади? Деҳқоннинг қўлига пул текканда эса бу муддатлар аллақачон ўтиб кетган бўлади. Оқибатда деҳқон ютқазади, унинг хомашёсидан маҳсулот ишлаб чиқарувчи эса ютади. Бу масалани ҳам кечиктирмасдан ҳал этиш, бинобарин, пахта тозалаш корхоналари чигит ва унинг маҳсулотларини фермерларга вақтида беришлари зарур деб ўйлайман.

Энди режалаштириш билан боғлиқ масалаларга келсак, шуни айтиш зарурки, хўжаликлардаги ер майдонларининг унумдорлиги ҳар хил бўлишига қарамасдан деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш режалари ҳаммага бир хил тарзда белгиланяпти. Унумсиз ердан юқори ҳосил олинмаслиги маълум бўла туриб, режалашга бундай бир текисчилик усулидаги ёндошув фермер хўжаликлари олаётган самарани пасайтиради. Шунинг учун ҳам ҳокимликларнинг режаларни тузувчи мутасаддилари ҳар бир майдоннинг ҳосилдорлик даражасини белгилашда қатъий равишда "Ўздаверлойиҳа" институти томонидан тасдиқланган ернинг балл-бонитетига асосан иш тутишлари зарур, деб ўйлайман.

Ўз навбатида биз фермерлар ер унумдорлигини оширишни ҳам ўйлашимиз лозим. Тупроқ унумдорлигини яхшилаб, ундан юқори ҳосил олаётган фермерларнинг манфаатдорлигини оширишга жиддий эътибор бермоғимиз керак.

Аҳолининг 60-65 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Демак, бу ҳудудларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш учун нақд шароит, ишчи кучлари бисёр. Ўзимизда сомон, маккажўхори силоси, буғдой чиқиндиси мавжудлиги эса табиий равишда даромад олишнинг яна бир соҳаси — чорвачиликни ривожлантириш учун шароит яратмоқда. Шу мақсадда ўтган йили мол фермасини таъмирлаб, 80 бош қорамол сотиб олдик. Эндиликда қўшимча равишда зотли моллар билан фермани бойитиб, сут маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўймоқдамиз. Мақсадимиз — 1,5 — 2 тонна сут соғиб олиб, ундан пишлоқ, қаймоқ, сузма ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш.

Бироқ шу ўринда ҳам бир жузъий масала бор. Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йилнинг 31 декабрида қабул қилинган 455-қарорида фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғуллансалар, айтайлик, бизга ўхшаб гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйса, бундан келадиган даромадга нисбатан 30 — 35 фоиз солиқ тўланиши кўзда тутилган. Мен ўзимча ҳисоб-китоб қилиб чиқсам, шу нарса аён бўлдики, фермер бу ҳолда қўшимча равишда чорвачилик билан шуғулланишдан бирор манфаат кўрмас экан. Менинг таклифим шуки, агар фермер ўзи етиштирган чорвачилик маҳсулотларини қайта ишласа, солиқ тўлашда унга муайян даражада имтиёз берилиши керак. Бордию фермер ўзи етиштирган маҳсулотдан ташқари бошқа жойдан чорвачилик маҳсулотларини харид қилиб қайта ишласа, у ҳолда юқорида айтиб ўтилган 30 — 35 фоиз миқдорида солиқ тўлаши мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳар ҳолда бу ва шу сингари бошқа масалалар обдон пишиқ-пухта таҳлил қилингандан сўнг ҳаётга тадбиқ этилса, фермерларнинг халқ фаровонлигини таъмин этишга қўшадиган ҳиссалари янада салмоқли бўлур эди.

## ДОИМИЙ ҲАМРОҲ




Таниқли бастакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, профессор Раҳматжон Турсуновнинг Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриётида чоп этилган "Халқ куйларини ноталаштириш" қўлланмаси ўзбек мусиқа меросини тўплаш ва нотага ёзиб олиб, илмий-назарий ҳамда амалий ўзлаштириш, куй, қўшиқ ва ашулаларнинг ҳудудий ижро услубларини ўрганишга бағишланган.

Муаллиф ўқитувчи ва талабаларга услубий кўрсатмалар, усул ҳақида маълумот бериш билан бирга, Ўзбекистонда нота ёзуви тарихига ҳам анча батафсил тўхталиб ўтади.

Шунингдек, қўлланмадан мусиқашунос олимлар Ю.Ражабий, И.Акбаров, М.Юсупов, Ф.Кароматов, Т.Ғафурбеков, О.Матёқубовларнинг ўзбек халқ мусиқа ижодини тўплаш ва нотага ёзиб олишдаги хизматларига ҳам алоҳида ўрин берилган.

Қўлланманинг мундарижаси бой ва хилма-хил. Мазкур рисола Олий ва ўрта махсус маданият ҳамда санъат ўқув юртлари учун мўлжалланган. Қўлланма Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти ўқув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган. Масъул муҳаррир — профессор Абдуманнон Назаров.

**Нозим ҚОСИМОВ**

# ИРОҚДАГИ УРУШНИНГ САБАБЧИСИ КИМ?

Уруш қурбонсиз бўлмайди. Ироқда Саддам Ҳусайн тузумига қарши жанговар ҳаракатлар ҳам бундан мустасно эмас.

Хўш, Ироқдаги урушнинг олдини олиш мумкинмиди? Мамлакат халқи бошига тушган кулфатларнинг асл сабабчиси ким?

Энг аввало, Ироқ ва унинг ҳукмдори Саддам Ҳусайн тарихига бир назар ташлайлик. Ироқ давлати энг қадимги маданиятлар шаклланган Месопотамияда (Дажла ва Фурот дарёлари водийсида) жойлашган. Бу заминда Аккад, Бобил, Ассирия каби қадимги давлатлар мавжуд бўлганлиги, «Минг бир кеча» сингари ўлмас асарлар ҳам шу ерда яратилганини эслашнинг ўзи кифоя. Ниҳоятда бой тарихга эга мамлакат 1958 йили республика, деб эълон қилинган эди. 1968 йилдан буён Араб социалистик уйғониш партияси (БААС) ҳокимият тепасида. Саддам Ҳусайн эса ана шу партия раҳбари.

Бу шахснинг ҳокимиятга эришиш йўлидаги қилмишлари, қонхўрликларини эшитсангиз, ҳайратдан ёқа ушлайсиз. У ёшлигиданоқ одам ўлдириш «илми»ни ўрганган. 1959 йили ўша пайтдаги Ироқ президенти Абдулкарим Қосимга суиқасд уюштирган. Суиқасд муваффақиятсиз чиққач, узоқ йиллар Сурия ва Мисрда яшириниб юрган. 1968 йили БААС партияси ҳарбий тўнтариш туфайли ҳокимиятга эришгач, Саддам ҳукуматдаги раҳбарлик вазифаларидан бирини эгаллайди. 1979 йили фитна билан генерал ал-Бакрни ҳокимиятдан четлаштириб, президентлик ва партия бош котиблигини қўлга киритади. Ҳокимиятга даъвогар бўлганларни гоҳида айёрлик, гоҳида зўравонлик билан йўқотади. Ундан сафдошлари, яқинлари ҳам омон қолмайди. Аввал ўз партиядошларини, сўнгра аҳолининг 20 фоизини ташкил этувчи курдлар, Керкук шаҳри атрофида яшовчи туркий халқлар раҳбарларини қатағон қилади. Сўнгра ислом динининг шиа мазҳабига эътиқод қилувчиларни таъқиб остига олади.

Саддам мамлакатни шу усул билан «тинчитгач», қўшни ҳудудларга ҳам кўз олайтира бошлади. 1980 йили Эроннинг Ироқ билан чегарадош шаҳарларини эгаллашга интилди. Натижада Эрон-Ироқ уруши аланга олди ва саккиз йил давом этиб, бир миллиондан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлди. Бу мантиқсиз хунрезликнинг оқибати унинг кўзини очиши керак эди. Аммо бундай бўлмади. 1990 йили қўшни Қувайт ҳудудини босиб олди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг истилони тўхтатиш ҳақидаги талабига парво ҳам қилмади. 1991 йил февраль ойида АҚШ ва Буюк Британия бошчилигидаги коалиция кучларидан шармандаларча енгилиб, Қувайтни ташлаб чиқди. Яна минглаб одамлар қурбон бўлди.

Кейинги йилларда Саддам «фаолият доирасини» ўзгартирди. Энди нима қилиб бўлса ҳам ядро қуроли яратиш, кимёвий ва бактериологик воситалар ишлаб чиқаришга интила бошлади, бу йўлда катта маблағлар сарфлади. Баъзи қуролларини ўз халқида синаб кўришдан ҳам қайтмади. 1989 йили курдлар яшайдиган ҳудуддаги исёнларни бостириш учун кимёвий газларни қўллади. Бир хорижий фотомухбирнинг ўша воқеа фожиасини акс эттирган сурати бутун дунёни ларзага солди: унда газдан бўғилиб ўлган она ва гўдакнинг аянчли ҳолати муҳрланган эди.

Саддам ва унинг қилмишлари ҳақида кўплаб мақолалар ва китоблар ёзилган. Шундай китоблардан бири «Саддам Ҳусайн ва Форс кўрфазидаги танглик» деб номланган. Унинг муаллифи Лори Милрой кўп манбаларни ўрганган. Китобда ёзилишича, Саддам етим ўсган, у отасининг кимлигини ҳам билмайди. Ўгай отаси уни кўп урган. Шу сабабли дийдаси қаттиқ, бераҳм бўлиб ўсган, ҳайвонларни қийнашдан завқ олган. Кейинчалик эса одамларни қийнаб завқ оладиган бўлди. У ўзига ниҳоятда бино қўйган. Ўзини гоҳ Бобил подшоларига, гоҳ қадимги халқ қаҳрамони Салоҳиддинга қиёслайди. Мамлакатни турли ҳажмдаги портретлари ва ҳайкаллари босиб кетган...

Халқаро ҳамжамият 12 йилдан буён Саддам Ҳусайнни қуролсизлантириш учун ҳаракат қилади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1990 йилдан буён қабул қилган қатор резолюцияларида Ироққа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш мажбурияти юкланган. Жумладан, 1991 йилги 687-резолюцияда 90 кун ичида Ироқнинг қуролсизланиши шарти билан унга қарши жанговар ҳаракатларни тўхтатиш кўзда тутилган эди. Аммо бу талабларнинг ҳаммаси қоғозда қолиб кетди. Қуролсизланиш жараёнини текширадиган БМТ инспекторлари фаолияти йўлига турли тўсиқлар қўйиб келинди. АҚШ Марказий разведка бошқармаси маълумотларига кўра, Ироқда кимёвий қуроллар яширинча ишлаб чиқарилаверди, ядро қуроли яратиш устида иш давом эттирилди. Айрим диний террористик гуруҳларнинг Ироқдан бошпана топганлиги эса хавфни янада кучайтиради. Агар бу оммавий қирғин қуроллари уларнинг қўлига тушса, дунёдаги тинчлик ва барқарорликка катта путур етади.

Бугунги кунда АҚШ бошчилигидаги коалициянинг Ироқни куч билан қуролсизлантириш ҳаракатини жаҳондаги кўплаб мамлакатлар қўллаб-қувватламоқда. Улар орасида 11 НАТО аъзоси, 7 Европа Иттифоқи аъзоси бор. Хайрихоҳ давлатлар эса бундан ҳам кўп.

Жанговар ҳаракатлардан мақсад имкони борича тезроқ Саддам Ҳусайн барпо этган қўрқув ва ҳақсизлик тизимини парчалаш, мамлакатда демократик тартиблар жорий этилишига кўмаклашиш. Токи, Ироқ халқи эркин нафас олсин, ўз табиий бойликларидан баҳраманд бўлсин, айни пайтда, бу давлат бошқалар учун хавф ва таҳлика манбаи бўлиб қолмасин.

Шарқда ажойиб бир нақл бор. «Ўткир тишли қоплонга раҳм қилиш қўйларга зулм қилиш билан баробардир». Адолатни тиклаш учун гоҳо куч ҳам керак бўлади. Афғонистонда АҚШ томонидан амалга оширилган ҳарбий ҳаракатлар қандай натижа бергани яхши маълум. Ироқда ҳам худди шундай бўлади, деб умид қиламиз. Зеро, Саддам Ҳусайн тузумининг йўқотилиши минтақага тинчлик ва осойишталик олиб келади. Ироқдаги курдларнинг Европа давлатларига зўраки эмиграцияси камаяди. Энг муҳими, нефтдан олинадиган даромад қурол-яроғ эмас, халқ эҳтиёжлари учун сарфлана бошлайди.

Ҳа, урушнинг асл сабабчиси Саддам Ҳусайн. Унинг зулм ва зўравонликка асосланган тузуми халқи бошига қанча кулфат ёғдирган бўлса, жаҳон учун ҳам доимий нотинчлик ва хатар манбаи бўлиб келди. Фақат куч ишлатишни билган одамга эса унинг тилида жавоб берган маъқул. Шу йўл билангина унинг хатарли режаларига барҳам бериш мумкин.

**Носир МУҲАММАД (ЎзА)**

27 МАРТ — ХАЛҚАРО ТЕАТР КУНИ

# МУҚАДДАС ТУЙҒУ ТАЛҚИНИ

Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида Муҳаммад Бобоев қаламига мансуб "Ўлим халқаси" пиесаси саҳнага қўйилди.

Асар — халқаро терроризм ҳақида. Унга 2000 йил августдаги Сариосиё тоғликларидаги воқеалар асос қилиб олинган. Жасур жангчи ва саркардаларнинг образларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Р.Маматалиев, Ҳ.Орипов, А.Намозов, Й.Мирқурбонов, шунингдек, М.Шарипов, Б.Рамазонов, Р.Раҳимов каби тажрибали актёрлар билан бирга, Ш.Алимов, Х.Қурбонов, И.Норқулов, Ш.Умаров каби ёш санъаткорлар ижро этмоқдалар. Генерал Қосимов (артист Р.Маматалиев) образи алоҳида бўртиб кўринади. Актёр унинг вазмин, сермулоҳаза, ўйчан қиёфасини ҳаққоний гавдалантиришга ҳаракат қилган.

Спектаклдаги марказий қаҳрамонлардан бири Чол образидир. Бу персонаж актёр Х.Насриддинов талқинида ватанпарвар ота тимсолига айланган. Она қиёфаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г.Равшанова ижросида меҳрибон, кўнгли тоза, жонкуяр, дангалчи ва дадил беғараз аёл сифатида гавдаланади. Спектаклда бир қатор босқинчилар образи ҳам бор. Улар ҳам ўзларига хос характер хусусиятларига эга. Масалан, Такасоқол (актёр З.Бозоров) жангари, товламачи, бешафқат инсон қиёфасида кўринса, Тулки (актёр Т.Йўлдошев) фирибгар, айёр, ялтоқланиб турувчи, ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўювчи, ҳар қандай вазиятда сувдан қуруқ чиқиб кетишга уста қиёфада гавдалантирилган. Юсуф (актёр А.Худойназаров) эса бу гуруҳга адашиб кириб қолган ўспирин тимсолидир. Ёш актёр унинг қалб изтиробларини ҳаяжонли, жўшқин ифодалашга интилган.

Эътирофга сазовор образлардан яна бири Бекдир. У актёр Ч.Чориев талқинида, бир томондан, ўзига бино қўйган, диний-экстремистик ғояларни амалга оширишга интилувчи, иккинчи томондан, қарашларига дарз кетаётган, икки ўт орасига тушиб қолган одам сифатида намоён бўлади.

"Ўлим халқаси" асарини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мансур Равшанов раҳбарлигидаги ижодкорлар саҳнага олиб чиққан. Саҳналаштирувчи режиссёр Т.Йўлдошев ҳаракатлар узлуксизлигини таъминлашга ҳамда томошабинлар диққатини сусайтирмасликка интилган. Саҳналаштирувчи ёш рассомлар Х.Чоршанбиев ва Б.Аллаёровлар ҳарбий ҳолат кўринишларини рамзийлик асосида ҳал этишга ҳаракат қилишган. "Ўлим халқаси" драмаси муҳим замонавий мавзудаги психологик драмадир. Асар конфликти фикрлар тўқнашувида ҳал этилади.

Албатта, асарнинг саҳналаштирилишида баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Айрим актёрлар ҳаракатида сустлик, саҳна кўринишларида гоҳо нотабиийлик мавжуд. Актёрнинг маҳорати томошабинни қай даражада ишонтириши билан ҳам белгиланади. Театр ихлосмандлари саҳнадаги қаҳрамоннинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир сўзини табиий қабул қилишлари керак.

Спектакл сўнгида қуршовдаги душман ер билан яксон қилинганлиги кўрсатилади. Томошабинда "Ватан тинчлиги муқаддас ва дахлсиз, унинг чегаралари ишончли қўлларда", деган фахр туйғулари пайдо бўлади. Шу жиҳати билан ҳам асар катта тарбиявий аҳамиятга эга.

**Кудрат ЖЎРАЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**Болта ЁРИЕВ,**
**филология фанлари номзоди, доцент**



ЖУРНАЛЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА




"Театр" журналининг 2003 йилдаги янги сони "Ўзбектеатр" бирлашмаси бош директори О.Ризаевнинг "Мақсад — баркамол саҳна асари яратиш" номли мақоласи билан очилади. Унда вилоят театрларининг муаммолари ва уларнинг ечими хусусида мушоҳада юритилган. Санъатшунослик фанлари доктори М.Қодировнинг "Алишер Навоий: тасаввуф ва саҳна санъати" мақоласи ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмайди.

Ўзбекистон халқ артисти Т.Азизов театр санъатидаги ижодий жараён ва унинг айрим долзарб муаммолари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашади. Филология фанлари номзоди Ш.Ризаев "Бадиий мушоҳада ва тарих ҳақиқати" тақризида драматург Насрулло Қобул қаламига мансуб "На малакман, на фаришта" спектаклига муносабат билдириб, шундай ёзади: "Асар муаллифи бадиий мушоҳада мантиқини ҳам, тарих ҳақиқатини ҳам бузмайдиган гўзал ечим топади. Карбало даштида мавж урган Машрабнинг қизил қони спектакл сўнгида ана шу гўзал ечимнинг рамзий ифодасидай янграйди".

"Хотиралар ва ҳикоялар" рукни остида чоп этилган "Саҳна мўъжизакори" мақоласида санъатшунослик фанлари номзоди С.Турсунбоев Ўзбекистон халқ артисти А.Исматовнинг ижоди хусусида фикр юритади. Ўзбекистон халқ артисти З.Муҳаммаджоновнинг "Ҳамкорликда гап кўп" мақоласидаги мулоҳазали фикрлар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Бундан ташқари, журналдан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мирзакарим Бобоев, Римма Аҳмедова сингари санъаткорлар билан самимий суҳбатлар ҳам жой олган.

**Сайёра ТУРҒУНЖОН қизи**

ЖАҲОН МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ

# МУҲАББАТ ДОСТОНИ

## ЁХУД МУМТОЗ МАҲАЛ ХУСУСИДА СЎЗ

Тарихнинг гувоҳлик беришича, Темурий ва Бобурий шаҳзодаларнинг айримлари ўз жуфти ҳалоллари шарафига боғлар, масжиду мадрасалар, ҳашаматли мақбаралар бунёд этишган. Жаҳон меъморчилик санъатининг нодир дурдоналаридан бўлган "Тожмаҳал" ҳам ана шундай обидалардан биридир. Ҳиндистоннинг Агра шаҳри яқинида, Жамна дарёси соҳилида барпо этилган бу ноёб санъат кошонасини Акбаршоҳнинг набираси — Шоҳжаҳон (Хуррамшоҳ) ўзининг севимли рафиқаси Мумтоз Маҳал (асл номи Аржуманд Бону) хотирасига атаб қурдирган.

Аржуманд Бонунинг ўзи ким, унинг Шоҳжаҳон билан муносабати қандай кечган? Аслида бу қиз 1594 йили Машҳадда таваллуд топган. Унинг отаси Акбаршоҳнинг мулозимларидан бири эди. Мумтоз Маҳал ўз иффати, ибоси, тенгсиз ҳусну латофати, беназир ақл-заковати билан Шоҳжаҳоннинг беқиёс севгиси ва ҳурматини қозонганди. Шунинг учун 1613 йили бу икки ёш турмуш қуришади. 1628 йил февралида Шоҳжаҳон тахтга ўтиргач, Аржуманд Бону умрининг охирига қадар шоҳга чин садоқат ила хизмат қилди: саройда маслаҳатчи ва муҳрдорлик вазифасини бажарди, салтанат ишларини бошқаришда ҳукмдорга яқиндан ёрдам берди.

Оқила малика ўз завжини 13 нафар фарзанд билан сийлади. Лекин, таассуфки, у ўн тўртинчи фарзандини дунёга келтириш асноси — 1631 йил 17 июн чоршанба куни Бурҳонпурда 37 ёшида бевақт кўз юмди.

Тарихчи олим Турғун Файзиевнинг "Темурийлар шажараси" асарида қайд қилинганидек, Мумтоз Маҳал ўлими олдидан фарзандлари билан видолашар экан, уларга, айниқса, тўнғич қизи Жаҳонorобегимга Шоҳжаҳоннинг аҳволидан мунтазам хабардор бўлиб туришни тайинлайди. Айни вақтда, эри Шоҳжаҳонга илтижо қилиб, ундан болаларига меҳрибон бўлишни, бошқа уйланмасликни ва ниҳоят, ўзига — Мумтоз Маҳалга атаб, эр-хотин садоқатининг рамзи сифатида асрлар давомида офтоб мисол порлаб турадиган ҳашаматли бир мақбара қурдиришни сўрайди.

Шоҳжаҳон Мумтоз Маҳалнинг васиятларини бекаму кўст бажарди: рафиқаси вафотидан кейинги 36 йиллик умри давомида бошқа уйланмади, оқ мармардан улкан бир мақбара бунёд эттирди, унга Мумтоз Маҳал номидан келиб чиқиб, "Тожмаҳал" деб ном берди.

Ўрта Осиё, Эрон, Жанубий Оврупо меъморчилиги ютуқларидан фойдаланилган ҳолда қад кўтарган мазкур мақбара турк меъмори Муҳаммад Исахон афанди бошчилигида ўн саккиз йил (1632-1650 йиллар) мобайнида қурилган. Қурилишга 40 миллион рупия маблағ ажратилди, унга 20 минг нафар уста ва ишчи жалб қилинди. Бу улуғвор санъат обидаси деворлари кўзни қамаштирадиган қимматбаҳо рангли нодир тошлар (ақиқ, марварид, садаф, каҳрабо, зумрад, ёқут, фил суяги) билан ишланган, сағана қўйилган хона эса катта гумбаз билан қопланган бош бинодан иборат бўлиб, у улкан супа устида жойлашган. Супанинг тўрт томонида ҳар бирининг бўйи 45 метрга тенг бўлган тўртта ҳашаматли минора савлат тўкиб турибди.

Мақбара битгач, Мумтоз Маҳал хоки шу қасрга келтирилиб, дафн қилинди. Дунёдаги етти мўъжизанинг бири бўлган Мумтоз Маҳал мақбараси тўрт асрдан ортиқроқ вақт давомида ўзининг жозибаси, бетакрор меъморий ҳалномаси билан жаҳон аҳлини ҳайратга солиб келмоқда. Дарҳақиқат, мазкур санъат обидаси орқали ўз завжасига бўлган муҳаббатини дунёга кўз-кўз қилган ва башарият тарихида ўчмас из қолдирган Шоҳжаҳон 1666 йилда "Тожмаҳал" мақбарасига термилиб, қизи Жаҳонorобегим қўлида жон берди.

Айтишларича, машҳур ҳинд адиби Рабиндранат Тагор "Тожмаҳал"нинг улуғворлигига юксак баҳо берган. У ҳар йили атайлаб келиб, "Тожмаҳал"ни тўлин ой ёруғида томоша қилган. "Муҳаббат достони" асарини эса ана шу ўлмас обидага бағишлаган.

**Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ**

